

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
ПЕШКУ ТУМАНИ 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 март 78-Ф-сонли фармоиши асосида ташкил этилди.

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҚЎМИТАСИ

Б.К.Зарипов	-	Бухоро вилояти ҳокими
М.М.Холмухаммедов	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари
Т. Р.Чориев	—	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.
К.М.Муқимов	—	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги
Ҳ. Ҳ.Қобилов	—	Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи:
З.Я.Худайбердиев	—	Педагогик инновациялар касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори
О.Х.Ҳамидов	—	Бухоро давлат университети ректори.
Н.Р.Баракаев	—	Бухоро муҳандислик технология институти ректори.
Ш.Ж.Тешаев	—	Бухоро давлат тиббиёт институти ректори.
Ш.Ж.Имомов	—	Тошкент ирригация ва меллиорация институти Бухоро вилояти филиали директори техника фанлари доктори профессор
Н.А.Нуралиев	-	Тиббиёт фанлари доктори, профессор
О.С.Қаҳҳоров	-	Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
Б.Р.Адилов	—	Бухоро давлат университети ҳузуридаги ПКҚТ МО минтакавий марказ директори, п.ф.д.,профессор
М.З.Шарипов	—	Бухоро муҳандислик технология институти илмий ишлар проректори
Ш.Ш.Олимов	-	Бухоро давлат университети педагогика кафедраси мудир
Д.Р.Раҳматуллаева	-	Педагогик инновациялар институтининг “Таълимда бошқарув” кафедраси доценти, п.ф.ф.д
Я.Я.Раҳматов	—	Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
Ш.А.Ҳайитов	—	Бухоро давлат университети жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
Ҳ.Х.Ҳакимжонова	-	Педагогик инновациялар институти, “Таълимда бошқарув” кафедраси катта ўқитувчиси
М.Ҳ. Маҳмудов	—	Бухоро давлат университети профессори п.ф.д
Б.Х.Маҳмудов	—	Пешку туман 2-сон касб-хунар мактаби директори.
Б.Қ.Хўжаев	—	Бухоро давлат университети Педагогика кафедраси доценти, п.ф.н
Э.М.Мухторов	-	Бухоро давлат университети педагогика факултети декани психология фанлари номзоди
С.Қ.Қаҳҳоров	—	Бухоро давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси
Н.Бекова	-	Бухоро давлат университети Ўзбек филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

ишлаб чиқиш таълим тизимида янги йўналишни такомиллаштириш ва ижобий натижа олиш имконини яратади.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Н.А.Жумаева БухДУ катта ўқитувчиси
С.С. Ражабов БухДУ “Бухоро тарихи”
таълим йўналиши III босқич талабаси*

Кўплаб тарихчи олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XVI асрларда икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган. Шарқ Уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадинлар амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этганлар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилганлар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турган. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этганлар.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Адабиётлар рўхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
2. Мец А Мусульманский ренесанс..- М:1973.
3. Халқ сўзи газетасининг 3 сентябр 2020 йил сони.

АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК

*Ўтаева Феруза Холмаматовна
Бухоро Давлат Университети
Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси
Аббосов Аббосали Зарипович
Ислом Каримов номидаги
давлат стипендияси совриндори*

Замонавий рақамли инновацияларни базасини кенгайтириб, фанни маълумотлар базасини такомиллаштириб борилиши давр талабидир. Тарихга таълуқли рақамларнинг салоҳиятини оширишнинг аҳамиятли йўлларида бири бу археологик тадқиқотлардир. Тарихнинг аҳамиятини бойитиб борилишида инновацион ҳамкорликнинг даражаси юқоридир.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини инновацион фаолият ташкил этади. Тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуроллариини ўйлаб топди ва меҳнат қуроллари ёрдамида ортиқча маҳсулотлар ишлаб чиқдилар. Ўша ортиқча маҳсулотларни сотиш учун бозорларни ташкил этдилар. Одамлар гавжум ва кўп бўлиб ўзларидан ортиб қолган қўшимча маҳсулотларни сотадиган жойларда дастлабки шаҳарлар пайдо бўлди. Шаҳарларда ҳаёт ва тараққиёт ривожланди, замонавий инновацион компьютерлар ва бошқа юқори технологияларни кашф этишгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз.